
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-67 Pages: 582-590

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



ABOUT THE QASHQADARYO DIALECT OF THE ARABIC LANGUAGE

Baxtiyor Siddiqov
Senior Lecturer
Department of Classical Literature
Karshi State University
Email: bsiddiqov@bk.ru
Uzbekistan, Karshi

Odiljon R. Avaznazarov
Associate Professor, PhD in Philological Sciences
Department of Classical Literature
Karshi State University
Email: odilbek.avaznazarov@mail.ru
Uzbekistan, Karshi

ABOUT ARTICLE

Key words: linguistics, Arabic language, dialect, vernacular, Kashkadarya, Jeynau Arabic dialect, history, research.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: This article discusses the study of the Kashkadarya dialect of the Arabic language in global linguistics, as well as current research conducted by Uzbek scholars in this field, particularly the book "Jeynau Arabic Dialect" and its scientific significance.

АРАБ ТИЛИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ДИАЛЕКТИ ХУСУСИДА

Бахтиёр Сиддиқов
катта ўқитувчи
Мумтоз адабиёт кафедраси
Қарши давлат университети
Email: bsiddiqov@bk.ru
Ўзбекистон, Қарши

Одилжон Р. Авазназаров
доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Мумтоз адабиёт кафедраси
Қарши давлат университети
Email: odilbek.avaznazarov@mail.ru
Ўзбекистон, Қарши

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тилшунослик, араб тили, диалект, шева, Қашқадарё, Жейнов араб шеваси, тарих, тадқиқ.

Аннотация: Ушбу мақолада араб тили Қашқадарё диалектининг дунё тилшунослигида тадқиқ этилиш масаласи ҳамда бугунги кунда ўзбек олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари, хусусан, “Жейнов араб шеваси” китоби ва унинг илмий аҳамияти хусусида баҳс юритилади.

О ДИАЛЕКТЕ АРАБСКОГО ЯЗЫКА В КАШКАДАРЬЕ

Бахтиёр Сиддиков
Старший преподаватель
Кафедра классической литературы
Каршинский государственный университет
Email: bsiddiqov@bk.ru
Узбекистан, Карши

Одилжон Р. Авазназаров
Доцент, доктор философии по филологическим наукам
Кафедра классической литературы
Каршинский государственный университет
Email: odilbek.avaznazarov@mail.ru
Узбекистан, Карши

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: лингвистика, арабский язык, диалект, говор, Кашкадарья, джейновский арабский говор, история, исследование.

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос изучения кашкадарьинского диалекта арабского языка в мировой лингвистике, а также современные исследования узбекских ученых в этой области, в частности, книга "Джейновский арабский говор" и его научное значение.

Кириш. Ўзбекистон – лингвистик нуқтаи назардан бой мамлакат. Хусусан, Қашқадарёнинг биргина Миришкор туманида олтой (ўзбек, туркман), ҳинд-европа (тожик) ҳатто хом-сом (араб) тиллар оиласига мансуб шеваларда сўзлашувчи аҳоли қатлами минг йиллардан буён биргаликда, аҳил ва иноқликда истиқомат қилиб келмоқда. Тумандаги Жейнов арабларининг бугун истиқомат қилиб турган ҳудудларига айнан қачон, қайси нуқтадан ва қайси йўналиш орқали, нима мақсад билан келиб қўним топгани ҳозирга қадар аниқ илмий асосланган эмас. Ҳатто академик Бартольд ҳам арабларнинг Марказий Осиёда ўрнашиб қолиши ҳақида сўз борганда “фақат арабларнинг ўзлари айтган нақллар асосида ҳукм юритишга мажбурмиз”, дейди (Bartold, 1963, p. 45). Википедия маълумотларида Жейнов араблари бу ҳудудда IX асрдан буён яшаши ҳамда

маданий жиҳатдан Сурия ва Уммон арабларига ўхшаши қайд этилади. Баъзи манбаларда Жейнов қишлоғи XIII–XIV асрларда пайдо бўлгани ва унинг бунёд этилиши мўғуллар истилоси оқибатларига узвий боғлиқ экани таъкидланади (Soviet Ethnography, 1972, p. 3). Жейнов аҳолиси эса ота-боболарининг бу ҳудудда ҳижратнинг биринчи асрларида қўним топиши ҳақидаги оғзаки анъанани сақлаб қолишган ҳамда ўзларининг этник келиб чиқишини Қурайш араб қабиласи билан боғлайдилар. Келажакда олимлар тил хусусиятлари, маданияти, этнографияси, фолкьлор намуналари, тўқувчиликка алоқадор ва бошқа иш қуроллари, гиламлар, сўзана ва жойна-мозларда, умуман, тўқимачилик маҳсулотларида ишлатилувчи хилма-хил ранг-бўёқлар, шакллар, нақш ва безаклар, қолаверса, ўзига хос бўлган кийим-кечак ҳамда тақинчоқларни чуқур тадқиқ этиш орқали Жейнов аҳлининг қадимиятига аниқлик киритишлари, катта илмий янгиликлар қилишлари мумкин.

XX асрнинг 50-йилларига қадар жейновликлар ўзаро мулоқотда асосан араб тилидан фойдаланишган. Ўша даврда кўпчилик ёшлар токи мактаб остонасига қадам қўймагунча арабчадан ўзга тилда гаплаша олмаганликларини хотирлашади. Араб тили 2025 йилга келиб ҳам, асосан, ўтган асрнинг 40-50-йилларида туғилган авлод тилида яхши сақланиб қолаётгани бу фикрнинг асосли эканини тасдиқлайди. Жейновлик араблар географик ва лингвистик жиҳатдан бошқа араб дунёсидан ажралиб қолгани сабабли уларнинг шеваси фақат оғзаки шаклда етиб келган, кўпроқ архаик ва мумтоз араб тилига ўхшашлигини сақлаб қолган ва бу – илмда камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Шу маънода, Жейнов араб тили тақдирнинг ноёб ва гўзал тажрибасидир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўрта Осиёда араб шевалари, хусусан, Жейнов араб шевасининг дунё илм-фанига маълум бўлиши XX асрнинг 30-йилларига тўғри келади ва бунда Н.Н.Бурикина ҳамда М.М.Измайловаларнинг хизмати катта. Академик И.Крачковский уларнинг хизматини араб диалектологиясида маълум бир инқилобдан далолат берувчи катта илмий кашфиёт сифатида баҳолаган. Жаҳон тилшуносларидан Н.В.Юшманов, Ҳ.С.Нуберг, В.Фишер, О.Ястров ва К.Верстих, Р.Ш.Джарылгасинова, Л.С.Толстова, И.Н.Винников, Г.В.Церетели, Б.Х.Кармышевалар ҳам Ўрта Осиё араб тилига доир салмоқли тадқиқотлар яратишган. Академик Г.В.Церетели 1935 йилда Ўрта Осиёга биринчи илмий миссияси натижасида икки хил – Бухоро ва Қашқадарё диалектларининг мавжудлигини кўрсатган. У XX аср 50-йилларининг биринчи ярмида Н.Н.Бурикина, М.М.Измайловалар томонидан 20-йиллар охирида ёзиб олинган, Жейнов араблари тил хусусиятларини ўзида акс эттирган матнларни эълон қилади. Олимнинг Ўзбекистондаги араблар шеваларини ўрганишга доир 4 жилдлик асарлари 2-жилди Жейнов араб шевасига оид матнлар ва таржималардан

иборат (Rajabov, 2012, p. 140-141). 1963 йилда эса И.Н.Винниковнинг “Қашқадарё араблари нутқи намуналари” номли илмий асари нашр этилади. Жейнов араб шеваси хусусиятлари масаласида 1980 йилдан илмий изланишлар олиб борган грузин олими, профессор Гурам Галлактионович Чиковани хизматлари алоҳида эътирофга молик. Олим 1980, 1986, 2000 ҳамда 2020 йилларда Жейновга ташриф буюрган. У аҳоли тилидан кўплаб латифа, ҳикоятлар тўплаган. Асосан, жейновлик олим Авазназар Маҳмадназаров билан узоқ йиллар мобайнида илмий ҳамкорлик қилган, ёзма, фото, аудио ҳамда видео материаллар йиққан. Улар асосида ўнлаб мақолалар, монографиялар тайёрлаган. 1988 йилда “Араб тилининг Қашқадарё шеваси морфологик қурилиши” мавзуида номзодлик диссертациясини ёзган. Олимнинг 2008 йил Тбилисида нашр этилган “Кашкадарьинский арабский диалект Центральной Азии” номли монографияси ҳам мавзуга оид қимматли манбадир (Tshikovani, 2008). Профессор Чиковани тўплаган барча турдаги материаллар, улар асосида амалга оширилган илмий ишлар билан олимнинг шахсий веб-саҳифасида танишиш мумкин. Шунингдек, ўзбек олимларидан Рустам Ражабов ҳам “Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси” номли тадқиқотининг бир фаслини асосан Жейнов арабларининг тил хусусиятларига бағишлайди (Rajabov, 2012, p. 136–162). Бугунги кунда ҳам илмий жамоатчиликда бу борада изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўрта Осиё араб лаҳжалари Бағдод университетида ироқлик олим, доктор Мудҳафер абд Румий томонидан ўрганилмоқда.

Натижалар. Олимлар замонавий оғзаки араб тилининг, асосан, Араб лаҳжалари гуруҳи, Мағриб шевалари гуруҳи, Миср-Судан араб тили, Сурия-Месопотамия араб тили ҳамда Марказий Осиё лаҳжалари гуруҳи каби 5 гуруҳ диалектларга бўлинишини ҳамда улар лингвистик нуқтаи назардан бир-биридан фарқланишини таъкидлайдилар. Лаҳжалар кўп ва хилма-хил бўлишининг асосий сабаби – арабларнинг араб тилида сўзлашмайдиган халқлар билан бўлган ўзаро тарихий-маданий алоқлари ҳамда маҳаллий тилларнинг таъсиридир. Жейнов араб диалекти араб тилининг айнан Марказий Осиё лаҳжалари гуруҳига мансуб. Араб тилининг Марказий Осиё лаҳжалари, яъни Ўрта Осиё арабчаси Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг оз сонли араблари орасида кенг тарқалган. ЮНЕСКОнинг 2017 йил 15-июндаги хабарига кўра, дунёдаги ўлим ёқасида турган 2,5 минг тилдан 15 таси Марказий Осиё халқларига тўғри келади. Жумладан, Ўзбекистондаги Марказий Осиё араблари тили йўқ бўлиб кетиш арафасида (Qodirov, 2019, p. 30).

Жейнов араб шеваси узоқ асрлар давомида сақланиб келганининг ҳам, яқин ўн йилликларда эса заволга юз тутиб бораётганининг ҳам маълум бир сабаблари бор. Ушбу арабларнинг 1960 йиллар охиригача маҳаллий аҳоли билан фаол аралашмаганликлари, қадимий маданиятларида собит турганликлари араб тилининг шу вақтгача сақланиб

қолишига имкон берган бўлса, Собиқ шўро салтанатининг бутун умри давомида ислом дини, араб тили ва маданиятининг ўгайланиши, араблар миллий элат сифатида тан олинмагани, ҳаётнинг турли жабҳаларида уларга сунъий равишда ноқулайликлар пайдо қилингани арабларнинг ўз қадриятларини унута бошлашига сабаб бўлган. Бунинг биргина далили сифатида шуни келтириш мумкинки, мамлакат фуқаролари учун таълимнинг барча босқичи мутлақо текин бўлишига қарамай, олий таълим даргоҳларида таҳсил олган жейновлик араблар 1954/1955 ўқув йилининг иккинчи ярмигача хориждан келган талаба сифатида тўлов асосида таҳсил олишган (Saidov, 1996, p. 26-27). Таъкидлаш жуда ўринлики, Истиқлол туфайли бу миллат ўз қадриятларини тиклашга, тарихини ўрганишга, тил ва урф-одатларини сақлаб қолишга йўл очилди.

2022 йилда ҳам ушбу диалект тадқиқига доир “Жейнов араб шеваси” номли 303 саҳифадан иборат қимматли манба нашр этилди (Ashurov, 2022). Ушбу асар илк бор шу элнинг айни шевада мукаммал даражада гаплаша олувчи зиёли тилшунослари томонидан яратилгани билан ўзигача бўлган барча ишлардан фарқ қилади. Китоб ҳажман салмоқли бўлиб 303 саҳифани ташкил этади ҳамда республикамизнинг етакчи тилшунос-арабшунос олимлари, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори Шорустам Шомусаров, Қарши давлат университети олимларидан филология фанлари докторлари Нафас Шодмонов, Гулбаҳор Тожиевалар ижобий тақризлар беришган.

Ушбу асар уч асосий бобдан ташкил топган. Дастлабки боб исмлар боби бўлиб, унда от сўз туркумига оид 311 та (мас.: ақл – агл, ариқ – наҳар, арпа – ишъийр, арқон – хэт, бўйин – рубга, атала – файваҳа), равишга оид 34 та (мас.: кундуз – нахар, кўп – кон, қанча – ҳингиз, нари – ғоди, бери – же), сифатга оид 53 та (мас.: абжир – идо, қуруқ – ябис, арзон – ирхис, аччиқ – мур), олмошга оид 36 та (мас.: мен – ана, биз – наҳна, сен – инта (инти), сиз – инту, у – зок (зик), улар – зиклонат (зикланна) ҳамда сон сўз туркумига оид (бир – фадҳад, икки – иснеен, уч – салас, тўрт – орбаъ) тил бирликларининг ўзбекча – Жейнов арабча таржима луғати келтирилади. Ундан ташқари, ушбу бобда от сўз туркумига оид 12 та бирликнинг шахс-сонда турланиши:

№	от шакли	шахс	бирликда		кўпликда	
			ўзбекча	**арабча**	**ўзбекча**	**арабча**
1	*олма*	I	*олмам*	туффааҳи	*олмамиз*	туффаҳна
		II	*олманг*	туффаҳак	*олмамиз*	туффаҳкум
		III	*олмаси*	тўффаҳа	*олмалари*	туффаҳатум

26 та Жейнов арабчасига оид бирликнинг адабий араб тилидаги муқобиллари билан қиёси:

т/р	Жейнов араб шевасида	Араб адабий тилида
1	басал	басалун
2	вач	важҳун
3	Ғазала	ғазола
4	Галб	қалбун

сифат сўз туркумига оид 13 та сўзнинг оддий, қиёсий, орттима шаклларда даражаланиши берилади:

№	Сифат шакли	оддий даража	қиёсий даража	орттима даража
1	*арзон*	ирхис	ирхистар	кисир ирхис
2	*аччиқ*	мур	муртар	кисир мур
3	*қалин*	ғализ	ғализтар	кисир ғализ

Иккинчи боб феълларга бағишланади. Дастлаб 210 та феълнинг буйруқ ва инкор шакллари бирлик, кўплик ва ҳурмат кўринишда туслаб берилади:

т/р	Бирликда музаккар	кўпликда музаккар	ҳурмат юзасидан	бирликда муаннас	кўпликда муаннас
1	*алда*	*алданглар*	*алданг*	*алда*	*алданглар*
	казба	казбуват	казбу	казби	казбинна
	алдама	*алдаманглар*	*алдаманг*	*алдама*	*алдаманглар*
	латказба	латказбунат	латказбу	латказбин	латказбинна

Кейин 184 та феъл шахс-сон, тасдиқ-инкор ва жинсда тусланади:

1	***Шахс-сон, тасдиқ-инкор***	**Музаккар**	**Муаннас**
	Артаман	Атайййиб	
	Артамиз	Интайба	
	Артасан	Иттайбунат	Иттайбин
	Артасизлар	Иттайбунат	Иттайбинна
	У артади	Зок йимагрил	Зик иттайййиб
	Улар артадилар	Зиклонат итайбунат	Зикланна иттайбинна
	Артмайман	Маатайба	
	Артмаймиз	Мнтайба	
	Артмайсан	Матайбунат	Матайбин
	Артмайсизлар	Матайбунат	Матайбинна
	У артмайди	Зок магрил	Зик матайййиб
	Улар артмайдилар	Зиклонат маитайбунат	Зикланна маиттайбинна

Бундан ташқари, 168 та феълнинг шахс-сон, замон, жинс ва ҳурмат шаклида тусланиши берилади:

2	***Бирлик***	**Музаккар**	**Муаннас**	
	Уқаладим	Фаракта		

	Уқалаяпман	Афрука инайминни		
	Уқаламоқчи-ман	Фарракинни		
	Уқаладинг	Фаракта	Фаракти	
	Уқалаяпсан	Туфрука инайминнак	Туфрука инайминник	
	Уқаламоқчи-сан	Фарракиннак	Фарракинник	
	Уқалади	Фарака	Фаракатта	
	Уқалаяпти	Юфрука инайим	Туфрука инайма	
	Уқаламоқчи	Фаррака	Фаррака	
	Кўплик	**Музаккар**	**Муаннас**	**Ҳурмат**
	Уқаладик	Фаракна		
	Уқалаяпмиз	Нуфрука инайминна		
	Уқаламоқ-чимиз	Фарракинна		
	Уқаладингиз	Фарактуват	Фарактинна	Фаракту
	Уқалаяпсиз	Туфрукунат инайминкумат	Туфрукинна инайминкинна	Туфрукуна инайминкум
	Уқаламоқчисиз	Фарракинкумат	Фарракинна	Фарракин-кум
	Уқаладилар	Фарактават	Фараканна	Фаракў
	Уқалаяптилар	Юфрукуат инайминат	Юфрукуна инаймат	Юфрукунат
	Уқаламоқчилар			

Учинчи бобда эса 19 та ёрдамчилар луғати (шунинг учун – баъаз ҳамаз, чунки – лишке, билан – вай, -дан – мин) келтирилади.

Асар 173 та жумланинг ўзбекча – арабча сўзлашув луғати билан якунланади:

1. – Исмингиз нима? – Исмкум еш?

2. – Кимнинг ўғли (қизи) бўласан(сиз)? – Илмин валда (бинта) тиссор (тиссорун)?

3. – Мен …нинг ўғли бўламан! – Ана … валда ассор!

4. – Қаерда ўқийсан(сиз), ишлайсан(сиз)? – Ишко тигри (тигрун), кор тисси (кор тиссун)?

5. – Акангнинг исми нима? – Исм кокотак еш?

Мазкур шевага оид тил бирликлари шу вақтгача бу қадар кенг кўламда йиғиб, нашр этилмаган. Албатта, Жейнов араб шеваси хусусида келажакда тилшуносликнинг кўплаб йўналишларига доир яна йирик илмий тадқиқотлар амалга оширилади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу жараёнда Авазназар Маҳмадназаров ҳамда Йўлдош Ашуровлар томонидан яратилган ушбу асар илмий жиҳатдан қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг қиёсий тилшуносликка бағишланган “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида араб, турк, форс, ҳинд тиллари ҳақида сўз юритаркан, аввало, араб тили хусусида тўхталиб, дейди: “Араб тили барча тиллардан равон, ёқимли,

гўзал услуби билан ажралиб туради ва мазмундорлиги ҳамда гўзал бадиий ифодалар орқали зийнатлангани билан мўъжизавий услубга эгадирки, ҳеч бир тил эгаси бу хусусиятларда устунлик учун араб тилига даъво қилолмайди ва фақат садоқат ҳамда таслимият билдирадилар. Чунки қудратли ва улуғ мулк соҳибининг мўъжизнизом каломи шу тил билан нозил бўлган ва Расул алайҳис-салавоту ва салламнинг ҳадислари шу тил билан келган" (Navai, 2011, p. 508). Жейновликлар Навоийдек мутафаккирнинг шундай юксак эътирофига сазавор бўлган бу улуғ тил билан унинг тарихий вакиллари сифатида ҳар қанча ифтихор қилсалар арзийди. Шу билан бирга ота-боболаридан бебаҳо мерос бўлиб келаётган бу қадриятни асраб-авайлаш маънавий бурч эканини ҳам чуқур ҳис қилмоқлари керак. Зеро, ушбу китоб ҳам мана шу руҳий эҳтиёж натижаси ўларок дунёга келган.

Хулоса. Араб тилининг Қашқадарё диалекти, яъни Жейнов шеваси бир асрдан буён жаҳон тилшунослиги даражасида ўрганилаётган қизиқарли мавзулардан бўлиб, бу йўналишда дунёнинг етакчи семитологлари томонидан йирик тадқиқотлар амалга оширилган. Араб тилининг энг қадимги фонологик, грамматик ва лексик хусусиятлари, бу лаҳжада сақланиб қолган бўлиб, араб тили ва умуман семит тиллари тарихи нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ушбу шевани тадқиқ қилиш натижасида араб дунёсидан ажралиб қолган араб лаҳжалари тил материалининг ички ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, қолаверса, ҳинд-европа ва туркий тиллар билан алоқа натижасида юзага келган ўзига хос лингвистик хусусиятларнинг шаклланиши, Марказий Осиё араб лаҳжалари ривожланишида экстралингвистик омилларнинг роли каби муаммолар хусусида ҳам муҳим натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Соҳада бугун ҳам кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, ҳали лингвистиканинг фонетика-фонология, морфемика-морфология, лексикология, синтаксис, этимология, тарихий-қиёсий тилшунослик каби ўнлаб йўналишларида амалга оширилиши керак бўлган ишлар жуда кўп. Албатта, бу тадқиқотларда "Жейнов араб шеваси" номли асар қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Navoi, A. (2011). The Judgment of the Two Languages. Muhokamat al-Lughatayn. – Tashkent: G'afur G'ulom Publishing House. (in Uzbek)
2. Bartold, V. V. (1963). Collected Works. Sochineniya, Vol. I. – Moscow. (in Russian)
3. Vinnikov, I. N. (1969). Language and Folklore of the Bukhara Arabs. Yazyk i Folklor Bukharskikh Arabov. – Moscow. (in Russian)

4. Dzharylgasinova, R. Sh., & Tolstova, L. S. (1980). Ethnic Processes in the National Groups of Central Asia and Kazakhstan. – Moscow: Nauka. (in Russian)

5. Karmysheva, B. Kh. (1976). Essays on the Ethnic History of the Southern Regions of Tajikistan and Uzbekistan (Based on Ethnographic Data). – Moscow: Nauka. (in Russian)

6. Mahmadnazarov, A., & Ashurov, Yo. (2022). The Arabic Dialect of Jeynau. Jeynau Arab Shevasi. – Qarshi: Intellekt. (in Uzbek)

7. Qodirov, M., et al. (2019). Mother Tongue: Textbook for 8th Grade Schools. Ona Tili. – Tashkent: Cho'lpon Publishing House. (in Uzbek)

8. Rajabov, R. (2012). The History and Ethnography of Arabs in Uzbekistan: From the Mid-19th to the Early 20th Century. O'zbekiston Arablarining Tarixi va Etnografiyasi. – Tashkent: Sharq. (in Uzbek)

9. Saidov, M., & Ravshanov, P. (1996). The History of Jeynau. Jeynau Tarixi. – Tashkent: Ibn Sina Medical Publishing House. (in Uzbek)

10. Soviet Ethnography. (1972). Sovetskaya Etnografiya. – Moscow: Academy of Sciences Publishing. (in Russian)

11. Tsereteli, G. V. (1956). Arabic Dialects in Central Asia. Arabskie Dialekty v Sredney Azii. – Tbilisi. (in Russian)

12. Tsereteli, G. V. (1954). Arabic Dialects in Central Asia. In Proceedings of the Soviet Delegation at the 23rd International Congress of Orientalists. Section of Semitology. – Moscow. (in Russian)

13. Chikovani, G. G. (2008). The Kashkadarya Arabic Dialect of Central Asia. Kashkadaryinskiy Arabskiy Dialekt Tsentralnoy Azii. – Tbilisi. (in Russian)

14. Chikovani, G. G. (n.d.). Selected Publications. Retrieved from http://gchikovani.ge/category/publications/

15. Central Asia Analytical Network. (n.d.). Retrieved from https://www.caa-network.org/archives/10806

16. Wikipedia. (n.d.). Jeynau. Retrieved from https://ru.wikipedia.org/wiki/Джейнау